

Савобдан умидворлик

09:45 / 24.03.2017 3001

Бир муштдек жипс бўлган миллатимизни босқинчилар пароканда этгани, акани укага, отани болага, қўни-қўшнини бир-бирига душман қилиб қўйгани рост. Аммо ҳар доим ҳам ўз иймон-эътиқодига, қариндош-уруғига, қўни-қўшниларига садоқатли одамлар бўлган. Айниқса, бир-икки ҳарф ўргатган устозга ҳурмат бошқача бўлган бизда. Бундай инсонлар 30-йилларнинг даҳшатли бошкетти – қотағон даврида турли синовларга рўбарў келганлар.

Бизни ўз фарзандидек тарбиялаган ва оқибатда яхшиликлар кўрган раҳматлик ўгай отамиз мусулмонлар бошига балолар ёғилган ўша йилларда қишлоқ советида оқсоқол бўлганлар. Кексайган чоғларида бизга ўша машъум давр хотираларидан ибрат учун гоҳи-гоҳида сўзлар эдилар. «Ёш йигитман. Қишлоқ аҳлининг иссиқ-совуғидан, кийим-бошидан, келдикеттисидан хабардор бўлишим шарт. Биламан, кўриб турибман, кўз олдимда адолатсизлик содир бўлаётир. Қўй терисини ёпинган бўриларга бир гап айтиб бўлмайди, «халқ душманисан», деб бемалол олиб кетишлари мумкин.

Бир куни беҳосдан махсус НКВД ходимларидан бирининг: «Эртага кечаси Эшон бувани олиб кетамиз», деган гапи қулоғимга чалингандай бўлди. Болалигимда шу мулла отада саводим чиққан. Унинг берган таълими, айтган ўғитлари кўзим олдидан ўтиб турибди. Томоғимга тош тиқилгандек бўлди. Кўзларимга ёш тўлди. Пайт пойлаб шартта Эшон буваникига бордим. «Эртага сизни олиб кетишмоқчи, тадбирингиз бўлса кўраверинг. Таваккал қилинг».

Таҳорат олиб турган эканлар, бир оз ваҳима босгандек бўлди у кишини. Қўлларидан сув томчилаб турибди. Бир оз эсанкираб қолганлари сезилди. «Аллоҳнинг ирода қилгани бўлади, болам». Ва дарҳол ўзига келди. «Мен кетдим. Сизни кўрмадим», дея ташқари отилдим.

Бу ишим кундага бош қўйишдек гап эди. Мабодо, хабар етказганимни билишса, шафқат йўқ.

Бир кечада ота-бола зимғойиб бўлишди. Мени, қўни-қўшнилари сўроққа тутишди, натижа чиқмади.

Орадан бир ойлар ўтиб, тунда Эшон буванинг ёши йигирмага тўлмаган ўша ўғли эшигимни қоқиб кириб келди. Ичим жимиллаб кетди. «Нима бўлди?» Маълум бўлишича, ота-бола Термизгача борибди, чегарадан ўтишда

текшир-текшир бўлибди. Яшаш жойидан маълумотнома керак экан. Бу расмий ҳужжатни бериш эса, ўлим. Бошим қотди. Шунда Эгамберди укам келиб қолди. «Ака сиздан қоғоз ва муҳр. Мен имзо қўяман. Ўзув ҳам меники бўлади». Қандай бўларкин? Худога таваккал. Бердик шу ҳужжатни. Йигит қўлидаги уч табақали тилла соатини узатди. Хизмат ҳаққига. Ё Аллоҳ! Койиб бердим. «Сизлар йўлдасиз. Мусофирсиз. Бир кунингизга яраб қолар», дедим. Аллоҳ насиб қилса учрашармиз. Шу-шу дом-дараксиз кетишди. Эҳтимол, дийдорлашув қиёматга қолгандир...»

Мусулмон кишининг савобдан, Аллоҳнинг марҳаматидан умидворлиги азиз бошларида қилич ўйнаб турган ўша машъум замонларда ҳам сўнган эмас. (Абдулла ҳожи аканинг айтганлари)

Баҳодир Нурмуҳаммад